БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил
7 февраль
Чоршанба
№ 26 (13.462).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 5 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми иш бошлади. Пленум кун муҳокамасига қуйидаги масала киритилди:

КПСС Марказий Қомитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида.

Шу масала юзасидан Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленум ишида КПСС Марказий органлари таркибига кирмайдиган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область ва округ партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари ва Министрлар Советларининг Раислари, бир гуруҳ шаҳарлар, районлар, партия комитетларининг биринчи секретарлари, йирик бошланғич партия ташкилотлари парткомларининг секретарлари, шунингдек, министрликларнинг, марказий идораларнинг, ижодий уюшмалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, олимлар, СССР Қуролли Кучларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, мамлакат баъзи кўмир ҳавзаларининг шахтёрлари қатнашмоқдалар.

Музокараларда: Украина Компартияси Киев шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Корниенко, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси Г. А. Ягодин, Ленинград шаҳридаги «Ижорский завод» ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари Ю. П. Архипов, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, РСФСР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Т. Г. Иванова, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Донецк областидаги «Артёмуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Кочегарка» шахтасининг портлатувчи мастери К. Г. Фесенко, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис, СССР Олий Совети қурилиш ва архитектура масалалари комитетининг раиси Б. Н. Ельцин, КПСС Шимолий Осетия область комитетининг биринчи секретари А. С. Дзасохов, Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари Г. И. Ревенко, СССР мудофаа саноати министри Б. М. Белоусов, СССРнинг Польша Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Бровиков, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. К. Лучинский, КПСС Ленинград область комитети ва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. В. Гидаспов, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти Б. Е. Патон, Саратов электр агрегат ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери В. А. Шабанов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Муталибов, «В. И. Ленин номидаги Челябинск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари В. М. Платонов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети парткомининг секретари И. И. Мельников, КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари М. А. Князюк, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР маданият министри Н. Н. Губенко, Куйбишев областидаги «Прогресс» заводи парткомининг секретари В. В. Козленков сўзга чиқдилар. Пленум материаллари «Правда» газетасида тўла равишда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида баён тарзида эълон қилинади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини пухта ишлаб чиқадиган ва муҳокама этилган масала юзасидан Пленум қарорини тайёрлайдиган таҳрир комиссияси тузилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 6 февралда ўз ишини давом эттирди.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш таҳрир комиссиясининг мажлиси тўғрисида.

5 февраль куни М. С. Горбачев раислигида таҳрир комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

МАНДАТ УЧУН ИМТИҲОН

Инсоннинг ҳаётда мақсад сари қўядиган ҳар бир қадами — имтиҳон. Бу айниқса ёшликка хос. Чунки айни шу паллада ҳар бир йигит-қиз эзгу ният йўлида илк бор дадил қадам қўяди. Бу йўлда хато қилмаслик, ундан муваффақиятли ўтиш — ўқиш-ўрганишига, ташаббускорлик ва омилкорлик кўрсатишига боғлиқ. Шунда собитқадамининг қалдирғоч ютуқларини кўриши, юксак парвозига қанот боғлаши аниқ.

Насиба Жалилова ҳам буни дилидан чуқур ҳис этди. Институт инженер-қурилиш факультети аҳлининг Тошкент шаҳар Октябрь ноҳияси Советига депутатликка номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишида унинг номини якдиллик билан тилга олишди. Ахир бу шу факультетнинг «Қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқариш» бўлими 3-курс талабаси учун юксак ишонч ва катта бахт. Талабалик чоғидаёқ тенгдошларининг ва устозларнинг ишончига сазовор бўлиш осон эмас. Ҳозирги қайта қуриш ва ошкоралик даврида эса талабчанлик юз карра ортган. Эндиликда устоз ҳам, курсдош ҳам бирор бир кишига ишонч билдиришдан аввал унинг билимдонлик, ишчанлик, ташаббускорлик фазилатларини яхшилаб чамалаб кўради, албатта.

Барча босқичдаги Советда вакил бўлган ким оддий фуқароларга кўпроқ қайишади? Уларда мавжуд бўлган кўпдан-кўп муаммолардан хабардор ким? Бу саволлар ғоят долзарб ҳозир. Табиб табиб эмас — бошидан ўтказган табиб. Халқимизнинг бу доно мақоли бежиз айтилмаган. Эндигина 20-баҳорини қаршилаётган Насиба ёш бўлса ҳам, аммо шу турмуш қийинчиликларини ўз бошидан ўтказган. У Тошкент шаҳрида оддий ишчи оиласида дунёга келган. Оилада уч жон: онаси, акаси ва ўзи. Отаси унинг гўдаклик чоғида ҳаётдан кўз юмган. Онаси Мастура опа икки фарзандини оқ ювиб, оқ тараб ўстирди, ўқитди. Ҳозир эса 16-шаҳар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайди.

— Онам бизни ўстиргунга қадар жуда қийналганлар. Ёлғиз аёлга икки фарзандни тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини топишига эришиш катта машаққат. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», — деган нақл бор. Мен шу кунгача нимагаки эришган бўлсам, бунинг учун аввало онам, устозларим сабаб.

Мабодо, сайловчилар менга ишонч билдириб, ноҳия Советига депутат этиб сайлашса, аввало кўп болали оналарга, ёлғиз аёлларга ёрдам бериш масаласини биринчи навбатга қўйган бўлардим. Уни ҳатто ноҳия миқёсида бўлса ҳам ижобий ҳал этилишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилардим. Чунки ўзим ҳаётдаги шу қийинчиликларни кўриб ўсдим.

Унинг бу сўзларига ишонса бўлади. Жамоат ишларида ҳамиша фаол, сўзи билан иши бир эканлигини амалда кўп бор кўрсатган Насиба Фрунзе ноҳиясидаги 73-ўрта мактабда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бирга ўқувчилар комсомол ташкилоти котиби сифатида ҳам ўғил-қизларнинг кўпгина фойдали ҳаракатларига бошчилик қилган. Айниқса турли мавзулардаги қизиқарли кечалар, учрашувлар, мактаб ўқувчиларининг Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранлари, маҳаллалаги онахон-отахонлар билан учрашувларнинг ташкилотчиларидан бири бўлган.

Насиба 1987 йилда Тошкент политехника институтининг биринчи курс талабаси бўлганда ҳам жамоатчилик ишларига тез киришиб кетди. Комсомол ташкилоти фаолларидан, талабаларнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкилотчиларидан бирига айланди. Бу соҳадаги ишларни жонлантиришга эришди. Инженер-қурилиш факультети комсомол қўмитасининг котиби Саидакром Ниёзхўжаев шундай дейди:

— Биз Насиба Жалилованинг номзодини Тошкент шаҳар Октябрь ноҳия Советига 58-сайлов округидан депутатликка кўрсатишимизнинг сабаби шундаки, у энг фаол талабаларимиздан биридир. Жамоат ишларини ўзининг шахсий ишларидан устун қўяди. Факультетимиз комсомол қўмитасининг масъулиятли бўлими-мафкура ишларини олиб боради. Ўзининг талабчанлиги, билимдонлиги, виждонининг поклиги, камтаринлиги билан талабаларимиз ичида обрўга эга. Бундан ташқари ўз зиммасига юкланган ҳар бир катта ё кичик ишга ғоят масъулиятни ҳис этган ҳолда муносабатда бўлади. Бу ҳозирги давримиз учун ниҳоятда зарур фазилатдир.

Ҳа, демократия ва ошкоралик айни шундай масъулият ҳислатини тақозо этади. Буни унинг сайловолди ҳаракат дастуридан ҳам аниқ кўриш мумкин. Унда айрим номзодлар сингари сайловчиларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирадиган, «очилдастурхон» ҳадя этадиган баландпарвоз, аммо рўё бўлиб қоладиган гаплар йўқ. Ҳозирги реал имкониятларимиз ва фақат жон куйдириш, ташаббускорлик кўрсатиш талаб қиладиган, жумҳуриятимиз ҳукумати амалга ошираётган тадбирларга ҳамоҳанг ишлар белгиланган. Мана шулардан айримлар:

— талабалар ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кўриб чиқиш, яъни талабалар кооперативларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш;

— оилали талабалар учун имкон борича шарт-шароит яратиш, ётоқхоналардан жой ажратиб берилишига эришиш;

— талабаларнинг стипендияларини ошириш масаласини қўйиш ва унинг ҳал этилишига эришиш;

— ноҳияда хайрия ишларини ташкил қилиш, кўп болали оналар ва ёлғиз аёлларга ҳам моддий ва ҳам маънавий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйишга эришиш ва бошқалар.

— Яқинда Маннон Уйғур кўчасида яшовчи кишилар билан учрашганимда уларнинг саволларимга беришган жавобларидан ҳайратда қолдим, — дейди Н. Жалилова. — Бу кўчада кўпчилик хонадон кўмир ёқишга мажбур. Ваҳоланки маҳалла газлаштирилган. Лекин унинг босими шунчалик пастки, ҳатто овқат пишириш мушкул бўлиб қолган. Бу соҳага мутасадди ташкилотнинг масъулиятсизлигидан бошқа гап эмас.

Бу маҳаллада Улуғ Ватан уруши, меҳнат ветеранлари ва ёш болали хонадонлар кўп. Уларга депутатдан ташқари ким ёрдам бера олади? Қани уларнинг аввал сайланган депутати?

Депутатлик мандати — бу имтиёз олишга йўлланма эмас. Буни Насиба куйинчаклик билан сўзлаганда унга жуда-жуда ишонгим келди. Тўғри, ҳали унинг қўлида бу мандат йўқ. Бунинг учун у сайловчилар олдида имтиҳон топшириши зарур. Бу имтиҳондан муваффақиятли ўтишига омад тилайман. У ноҳия фуқароларининг ишончини оқлашига имоним комил.

Карим РАҲИМ.



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросида

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг навбатдаги бюро мажлисида «Ёшлар сиёсати» Муваққат Ёшлар Ижодий Коллективининг олиб борган иш якунлари муҳокама қилиб чиқилди. Ёшларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ўрнини белгилаш борасидаги яхлит программа ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган ишлар муҳокама қилинди. «Ўзбекистон ёшлари» давлат программасига таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини қонунлар асосида мустаҳкамлаш, ёшлар сиёсати программасини амалга ошириш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

Мажлисда аввал қабул қилинган қарорга кўра, студент отрядлари жумҳурият штабининг «Студент отрядлари штабларини қайтадан тузиб чиқиш тўғрисида»ги таклифлари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Студент отрядлари жумҳурият штабининг функциялари кенгайтирилиши муносабати билан ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штабининг фаолияти тўхтатилди. Айни пайтда студент отрядлари жумҳурият штабининг мустақиллиги оширилади, унинг ваколатлари кенгайтирилади. «Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг студент отрядлари жумҳурият штаби тўғрисидаги» низоми қабул қилинди.

Бюро Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг VII пленумини шу йил 28 февралда ўтказишга қарор қилди. Пленумнинг асосий вазифаларидан бири — ВЛКСМ XXI съездида жумҳурият комсомол ташкилотининг позицияси масаласи деб белгиланди.

Комсомолнинг корхона ва ташкилотлари ҳисобидаги ортиқча маблағларини ҳаракатга келтириш ва улардан унумли фойдаланиш учун ёшлар тижорат банкининг Ўзбекистон жумҳурият филиалини ташкил этиш зарурати туғилди. Бу филиал банк бўғинлари орқали ёшлар марказларининг, корхона ва бирлашмаларининг хўжалик ҳисобидаги фаолияти ва молиявий аҳволини, улар етиштираётган маҳсулотларининг ҳажми ва сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш усулларини кенгайтириш, ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ечишни тезлаштириши кўзда тутилган. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси ёшлар тижорат банкининг жумҳурият филиалининг ташкил этилиши комсомол корхоналари ва ёшлар марказлари ишини янада ривожлантириш учун кенг йўл очиб беради, деб ўйлайди ва унинг фаолияти учун зарур барча ишларни амалга оширади.

Бюро мажлисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси қошида «Ташаббускор ёшлар бирлашмаси уюшмаси»ни тузиш масаласи ҳам кўзда тутилади. У хўжалик ҳисобидаги ёшлар марказларининг мустақил жамоатчилик ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади бу марказлар ишини янада ривожлантириш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий программаларини амалга оширишга кўмаклашишдир. Бу ташкилот ёшлар марказлари ишини мувофиқлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва илғор илмий-техникавий технологияларни тарғиб қилиш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама янада кенгайтиришдан иборатдир.

Бюрода олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртларида таҳсил олаётган ёшларнинг шарт-шароитлари масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда 43 олий ва 248 ўрта махсус ўқув юртлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар 25 министрлик ва идораларга қарайди. Бу ўқув даргоҳларида жами 592 минг йигит-қиз таҳсил олади, уларнинг 326 мингги эса кундузги бўлимларда ўқишади. Уларга барча шарт-шароитларни ҳозирлашга ҳаракат қилинаётгани билан ҳозирги пайтда бу борадаги ишлардан мутлақо қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Айни пайтда бу ўқув даргоҳларининг моддий-техникавий таъминланганлиги, шарт-шароитлар ҳозирлаш масаласи жуда ҳам паст. Ўзбекистонда бир талабага бир йилда ўртача 1400 сўм сарф қилинаётган ҳолда, Эстонияда бу кўрсаткич 2100 сўмни, Латвияда 1800 сўмни, Белоруссияда эса 1600 сўмни ташкил этади.

Олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси жуда ёмон аҳволда. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг ўқув лаборатория майдонлари нормадагининг атиги 46 фоизини ташкил қилади. Бу борада энг ёмон аҳвол Тошкент халқ хўжалиги институтида — 18 фоиз, Тошкент Давлат маданият институтида 22 фоиз, Тошкент медицина институтида, консерваторияда, педиатрия ва бошқа институтларда аҳвол бундан яхши эмас. Бир студентга нормада 17,2 квадрат-метр ер мўлжалланган ҳолда, пойтахтимизда бу кўрсаткич бор-йўғи 9,5 квадрат-метрни ташкил қилади. Фойдали ўқув майдонининг камлиги охир-оқибат ўқув жараёнига ва мутахассислар тайёрлаш сифатига таъсир қилиши шубҳасиздир. Ўқув аудиторияларининг етишмаслиги натижасида талабалар оғир шароитларда икки, ҳатто уч сменада ўқишга мажбур бўлишмоқда.

Айни пайтда талабаларнинг яшаш шарт-шароитлари масаласи зудлик билан ҳал этилишини тақозо этади. Ётоқхоналар билан талабаларнинг 72 фоизигина таъминланган холос. Жой етишмаслигидан Самарқанд архитектура-қурилиш институтида икки қаватли кароватлар ўрнатилган, ТошМИ ва ТИМИЛП талабалари эса бир ўринда икки кишидан, ҳатто полда яшашга мажбур бўлишмоқда, устига-устак бу ётоқхоналарда яшаш учун энг оддий шарт-шароитлар ҳам йўқ. Талабаларни иссиқ овқат билан таъминлашда ҳам қувонарли ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти. Ошхона ва буфетлар кам, борлари ҳам сифатсиз хизмат қилмоқда. Олий ўқув юртларида таҳсил олувчилар учун медицина ёрдами кўрсатиш ҳақида ҳам тайинли яхши гап айтиш қийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси вазиятни чуқур ўрганиб чиқиб, зудлик билан талабалар ҳаётидаги барча камчилик ва етишмовчиликларни ҳал қилиш лозим, деб топди.

Шунингдек, 1990 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртларининг ўзлаштирувчи студентларини стипендия билан таъминлашнинг энг қуйи даражаси 70 сўмга, ўрта махсус ўқув юрти талабалари учун 55 сўмга етказиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг йўлланмаси билан ўқиётганлар учун улар ўз стипендияларини белгилашлари мумкин. Ётоқхона етишмаслиги туфайли ижарада яшовчи талабаларга стипендияга қўшимча ижара ҳақи миқдори қўшиб берилиши кўзда тутилган. Ўқув юрти ректорлари аҳволи ночор студентларга 100 сўмгача моддий ёрдам ва бошқа қатор имтиёзлар ташкил қилишлари лозимлиги уқтириб ўтилди.

1990 йил сентябрь ойида В. И. Ленин томонидан Тошкент Давлат дорилфунунини очиш ҳақидаги декретга имзо чекилганлигининг 70 йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси бюроси Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари дорилфунунлари иштирокида байрам ўтказиш, дорилфунунлар фестивалини ва Ўрта Осиё, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва Сибир дорилфунунлари Универсиадасини ташкил этишга қарор қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг бюросида комсомол ҳаёти билан боғлиқ бошқа бир қатор муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссиясида

Фарғонада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология комиссиясининг сайёр мажлиси бўлди. Мажлисда область партия комитетларининг идеология ишлари билан шуғулланувчи секретарлари, шунингдек, Фарғона областидаги шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитетининг норасмий ташаббускор бирлашмалар аъзолари билан олиб бораётган амалий иши муҳокама қилинди. Ўзбекистон пойтахтининг шаҳар партия ташкилоти ўзининг гражданларнинг ташаббускор бирлашмалари билан олиб борадиган ишида жамоатчиликнинг барча соғлом кучларини бирлаштиришга асосланаётганлиги айтиб ўтилди. Кўпгина норасмий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари билан бевосита алоқа йўлга қўйилди. Партия, совет, комсомол фаоллари аҳолининг турли ижтимоий группалари билан якка тартибда ва оммавий тушунтириш ишлари олиб боришга сафарбар этилди. Норасмий ташкилотлар билан иш олиб борувчи тарғиботчи ва сиёсий группалар ташкил этилди. Идеология фаолларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш, бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бериш учун бир қанча структуравий бўлинмалар: Студентлар шаҳарчасини ижтимоий ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи мувофиқлаштирувчи кенгаш, студентлар ва ишчилар ётоқхоналарида иш олиб борадиган район кенгашлари ва шу сингарилар тузилди.

Буларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳридаги ижтимоий-сиёсий вазиятни маълум даражада барқарорлаштириш, маънавий-психологик муҳитни соғломлаштириш учун шарт-шароит яратиш имконини берди.

Бироқ, дейишди комиссия аъзолари, шаҳар партия комитети ишида анчагина камчилик ва нуқсонлар бор. Партия фаолларининг ҳаммаси ҳам норасмий ташкилотлар вакиллари билан олиб бориладиган ишларда ташаббус кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Бу ишда жамоат ташкилотлари: хотин-қизлар кенгашлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари, байналмилалчи-жангчилар комитетларидан самарали фойдаланилмаяпти. Шаҳар партия комитети рухсат берилмаган митинглар ўтказилишининг олдини олиш пайтидагина энг кўп даражада фаоллик кўрсатишдан иборат ярокснз практика ҳамон кўзга ташланмоқда.

Комиссия мажлисида Тошкент шаҳар партия ташкилотининг иш тажрибаси ўрганилганлигини ҳисобга олиб, республика партия комитетларига норасмий ташаббускор ташкилотлар билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштиришга оид бир қанча тавсиялар берилди. Идеология ходимларининг ана шундай ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини яхшилаш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада норасмий бирлашмаларнинг раҳбарлари билан учрашувлардан тортиб шаҳар партия ва комсомол комитетлари, «Билим» жамиятлари, маданият уйлари ҳузурида, корхоналарда мунозара клублари ташкил этишга қадар турли иш шаклларидан фойдаланиш зарур.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон халқларининг «Меърос» тарихий ва маданий бойликларини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш программаси муҳокама қилинди ва маъқулланди, бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1990-1995 йилларга мўлжалланган идеология ишлари концепцияси лойиҳаси дастлабки тартибда муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Номзодларимиз



ИШОНЧ—МУҚАДДАС

Уттиз йилдан буён саҳнада қўшиқ айтиб келаётган истеъдод соҳибасини сиз муштарийларга таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. М. Қориёқубов номидаги жумҳурият Давлат филармониясининг кўп сонли коллективи юксак ишонч билдириб, уни Узбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Унинг сайловолди ҳаракат дастурида жумҳуриятимиз маорифи ва маданиятини ривожлантиришга, атроф-муҳит муаммоларини ҳал этишга ҳисса қўшиш, хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам уюштириш ва ҳоказо режалар ўрин олган.

Ҳа, у рост айтади. Бир пайтлар Японияда иқтисодий танглик юзага келиб қолганда раҳбарият, мутахассислар аҳволни чуқур ўрганишгач, ишни маориф соҳасини яхшилашдан бошлашга қарор қилган эканлар. Чунки мамлакат тараққиёти кадрларга боғлиқ. Бугун мактабда чуқур билим олган ўқувчигина эртага оламшумул ихтиролар кашф эта олади.

Мутахассислар саводхонликни иқтисодий категория, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, халқ маорифига етарли даражада маблағ ажратиш, барча зарур шарт-шароитлар яратиш, кейинчалик миллий даромаднинг 50 фоиз ўсишини таъминлар экан. Мазкур жабҳага АҚШда миллий даромаднинг 6,1 фоизи сарфланмоқда. Бизнинг мамлакатимизда эса бу кўрсаткич атиги 2,7 фоизни ташкил этади, холос.

— СССР халқ депутатлигига бўлган сайловлар даврини эсга олайлик, — дейди О. Ҳайитова. — Қанчадан қанча йиғилишлар ташкил этилди, қанчадан қанча ваъдалар берилди. Хўш, сайланган депутатларнинг ҳаммаси ҳам сўзининг устидан чиқаяптими? Лоақал шунга ҳаракат қилишга ўзида куч, журъат топа олаётирми? СССР халқ депутатларининг икки Съезди, қатор сессиялари бўлиб ўтди. Шу давр мобайнида саноқли вакилларимизгина жон куйдириб сўзлаётганини кўрдик. Шу маънода жумҳурият халқ депутатлигига сайловолди тадбирлари ҳам ваъдабозлик мусобақасига айланиб кетмаслиги керак. Фақат муносибларгина халқ вакиллигига сайланиши лозим. Токи сайловчилар ранжимасин. Ҳаёт тўхтовсиз ўсиб-ўзгаришда. Эҳтиёжлар ҳам шунга монанд равишда ўзгариб боради, йўл-йўлакай муаммолар пайдо бўлади. Халқ депутати эса ана шу муаммоларни ўз вақтида пайқаши, уларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатмоғи керак. Чунки эл ишончи — муқаддас!

Ш. УМИРОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

СУРАТДА: Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Ҳайитова оила аъзолари даврасида.

Сураткаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

Бизнинг шарҳ

СЎЗЛАМОҚЧИ ЭДИМ...

«Бир куни мактабимизга райкомсомолдан икки киши келиб, яқинда конференция бўлишини айтишди. Улар мени ва мактаб ўқувчилар бошланғич комсомол ташкилотининг котиби бўлмиш бир домламизни директорнинг хонасида делегатликка «сайлаб» қўя қолишди. Улар айтиб туришди, биз анкеталарни тўлғаздик. Сўнг яна бир делегат кераклигини айтишди. Домламиз менга қаради. Мен ҳам таваккал қилиб синфимиз комсоргини айтиб юбордим.

Шундай қилиб уч делегат тор бир хонада «бир овоздан сайланди». Райком вакиллари қайтишаётиб, «йиғилиш қилиб, тасдиқлатиб олинглар», деб такрор-такрор айтишди.

Мен конференциягача ўтган бир ой ичида ҳам йиғилиш ўтказиб, делегатларни «тасдиқлатиб» ололмадим. Тўғрироғи, юзим чидамади, уялдим. Делегатлик мандатимни ҳам бировга кўрсатишдан уялардим. Ахир комсомоллар «Сени ким сайлади?» дейишмайдими? Мен ўшандаёқ райком вакилларининг фикрларини рад этиб, йиғилиш ўтказишим кераклигини кейин тушундим. Тушундим-у, жуда афсусландим...

Қисқаси, ноҳия комсомол конференцияси ҳам, унга делегат сайлаш ҳам 80-йиллардагидек ўтди. Ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Мен бу ҳақдаги барча ишлардан қониқмаган ҳолда, делегат бўлиб сайланаётганимда катта хатога йўл қўйганимни ич-ичимдан ҳис қилдим».

Бу кейинги пайтларда комсомол турмуши бўлимига келган ўнлаб мактубларнинг бири. Уни **Фарғона вилоятининг Ленинград ноҳияси «Комсомол» жамоа хўжалигидаги 12-сон мактаб ўқувчилар комсомол ташкилотининг котиби, XI синф ўқувчиси Абдуғани БОЙМАТОВ** ёзиб юборибди.

Ўрта мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси, комсомол етакчисининг тутган йўлини қандай баҳолаш мумкин? Ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бўлсак, Абдуғани бошда расмиятчилик қурбони бўлган. Унда ноҳия қўмитаси вакилларига қарата «Нима қилаяпсизлар ўзи?» дейишга журъат етишмаган. Лекин унинг кейинги хатти-ҳаракатлари, яъни виждонан қийналиб, редакцияга очиғини ёзиши қайта қуриш, ошкоралик самараси. Биз бундан мамнунмиз. Ахир Абдуғани бўлиб ўтган ишлар ҳақида ҳеч кимга индамаслиги, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолавериши ҳам мумкин эди-да. Унда ҳамма иш «эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаверарди.

Комсомол ҳисобот-сайлов конференциялари тўғрисидаги мактублардан комсомолда қайта қуриш қандай бораётганлиги тўғрисида айрим хулосаларни чиқариш мумкин.

«...Биринчидан қоғозбозликдан дод. Бирор қилган ишингни қоғозга тушириб қўймасанг — ишонишмайди. Балки шунинг учун ҳам амалда бажармаган ишларимизни қоғозларда дўндириб қўяётгандирмиз.

Ўқишга кирмоқчи бўлган ёшларга комсомол характеристикаси ёзиб берамиз. Кошки ўша характеристика ҳаққоний бўлса. Биз «авлиё» қилиб таърифлаган дўстларимиз кўп ҳолларда ишончни оқлай олишмаяпти. Қисқаси, амалий ишларимизга қараганда, тўлдирган қоғозларимиз кўпроқ тош босади...»

Ушбу сатрлар муаллифи **Сирдарё вилоятининг Оқолтин ноҳиясидаги «Чинобод» давлат хўжалиги комсомол ташкилоти котибининг ўринбосари Ҳошимжон ЖЎРАЕВ.** У юқоридаги сўзларни ноҳия комсомол конференциясида гапирган. Лекин Ҳошимжон сўзини охирига етказолмабди. Белгиланган вақт тугаганлигини айтиб, уни минбардан тушириб юборишибди.

«Мен бундай муносабатни барвақт «чеканка» қилиш деб тушундим», деб ёзади Ҳошимжон. Танаффус пайтида ундан қайта қуришга қандай ҳисса қўшаётганлиги ҳақида сўрашибди. «Энг аввало мен ўзимни қайта қура олаяпман», — деб жавоб қилибди у. Аслида инқилобий қайта қуришнинг асосий талабларидан бири ҳам шу.

«Президиумга менга сўз беринг, деган мазмунда хатлар кела бошлади. Залга «эркин микрофонлар» қўйилган. Лекин ҳеч ким ботиниб, чиқиб гапира олмади...

Эски тартиб ўз ўрнида қолди. Қаршилар ва бетарафлар топилмади. Буларнинг ичида менинг ўзим ҳам бор эдим. Буни инкор этмоқчи эмасман. Чунки менга курашиш фойдасизлигини айтишди».

Қуйидаги сатрларга эътибор беринг-а:

«Мен котибларнинг қайта сайланишларига қарши эмасман. Лекин котибликка 4-5 кишининг номзоди кўрсатилиб, уларнинг энг иқтидорлиси, муносиби сайланса яхши бўлар эди. Ҳар ҳолда бундай ёшлар йўқ эмасди. Айримлар бирма-бир суҳбатдан ўтиб, гапирмасликка сўз беришган эди (?) Ҳисобот маърузаси музокарасида жамоа хўжаликлари комсомол ташкилотлари котибларидан фақат бир кишигина гапирганини қандай тушуниш мумкин? У ҳам бўлса, ВЛКСМ Устави лойиҳаси ҳақида гапирди, холос.

Конференциядан кейин бир гуруҳ делегатлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг кўпчилиги конференция яхши ўтмаганлигини айтишди. Наҳотки, кўчага чиқиб ҳамма ошкора гапиради-ю, ичкарида — анжуман ўтаётганида йўқ?

Ҳисобот-сайлов конференцияси ҳеч кимни қониқтирмади. Лоқайдлик устун келди!..»

«Лоқайдлик оқибати» деб аталган бу номани **Самарқанд вилоятининг Хатирчи ноҳиясидан М. АВАЗЕВА** ёзган. У ноҳия комсомол қўмитаси аъзоси.

Эътибор бердингизми, юқорида мисол келтирилган мактуб муаллифлари комсомолга дахлдор ёшлар. Улар бугун ёшлар ташкилотининг мавқеи, унинг эртанги куни учун жон куйдириш зарурлигини ҳис қиладилар. Ҳайбаракаллачилик, расмиятчилик, хўжакўрсинга иш юритиш бундан кейин яроқсиз эканлигини англаб етишган. Комсомол мавқеини тиклашда ана шундай ёшларнинг ҳам улушлари кам бўлмаслиги турган гап. Фақат билдирилган фикрларга амалий ишларни уйғунлаштириш лозим.

Комсомол турмуши бўлимига келган мактубларнинг аксари бу галги ҳисобот-сайлов анжуманларида ҳам мукаммаллик йўқлигидан дарак беради. Яна бу номалар, комсомол анжуманлари бу гал чинакам баҳсларга, фикрлар хилма-хиллигининг авж олишига имкон яратиб берганлигини кўрсатиб турибди.

Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, цех бошланғич комсомол ташкилотининг котибаси К. ВАҲОБОВА, Қашқадарё вилоятининг Қамаши ноҳиясидаги Абай номли ўрта мактаб бошланғич комсомол ташкилоти котиб ўринбосари Ч. РЎЗИБОЕВларнинг мактубларида ҳам ана шундай руҳ сезилиб турибди. Улар ўз мактубларида комсомол фаолларининг кўпчилик билан ҳисоблашмай иш тутганликларини қоралайдилар. Улар комсомол ҳисобот-сайлов конференцияларидан кўнгиллари тўлмаганлигини ёзишган.

Ўнлаб мактублар ичида фақат икки-учтасигина ижобий характерда. Масалан, **каттақўрғонлик Ф. АБДУЛЛАЕВА ва М. ЭРГАШЕВ**лар ёзиб юборишган «Вазифа: ижтимоий ҳаётда фаол бўлмоқ» сарлавҳали ёки **наманганлик Т. СУЛАЙМОНОВ йўллаган «Чинакам ғамхўрлик керак»** сарлавҳали мақолаларни ўқиб, кишининг кўнгли бироз бўлсада, ёришади.

Каттақўрғон шаҳар комсомол конференцияси ҳақида ёзилган биринчи мақоладан парча келтирамиз:

«Муҳим янгиликлардан бири шу бўлдики, конференция арафасида илк бор шаҳар комсомол қўмитаси аъзоларининг 70 фоизи тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан жойларда, бошланғич комсомол ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида сайланди. Бу уларнинг мустақиллигини, масъулиятини ошириш учун қилинган эди.

Комсомоллар ўртасида «Конференцияни қандай ўтказишни маъқул кўрасиз, шаҳар комсомол қўмитаси ва бошланғич комсомол ташкилотингиз фаолиятида қайта қуриш қандай амалга ошаяпти, уни жадаллаштириш учун нима ишлар қилиш зарур?» деган саволлар тарқатилди. Олинган жавоблар умумлаштирилиб, комсомол ташкилоти ишини қайта қуриш бўйича тадбирлар белгилашда кенг фойдаланилди».

Каттақўрғонлик комсомол-ёшлар ўз анжуманларида шунчаки томошабин бўлиб қолишмабди. Ҳисобот маърузаси муҳокамасида 166 нафар делегат иштирок этибди. Лекин қандай қилиб?

«Шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котибаси Ҳ. Шодиеванинг ҳисобот маърузаси ва тафтиш комиссиясининг раиси К. Тўйчиев ҳисоботи тугагач, делегатлар тўрт гуруҳга бўлиниб, тўрт баҳслашув марказида маърузада зикр этилган муаммоларни ҳар тарафлама таҳлил этишди. Уларни бартараф этиш йўллари ҳақидаги фикрлар, таклифлар ўртага ташланди».

Қаердаки, шошма-шошарликка йўл қўйилса, ўша жойда иш чала қолади. Шу маънода бўлиб ўтган комсомол конференцияларининг кўпида ишни тезроқ ниҳоялаш мақсадида шошма-шошарликка йўл қўйилди. Ҳатто ортиқча баҳс-мунозаранинг нима кераги бор, қабилида иш тутган комсомол фаоллари ҳам бўлишди. Тўғри, ҳар бир йиғиннинг, анжуманнинг белгиланган куни, вақти-соати бўлади. Аммо уч йилда бир бўладиган ҳисобот-сайлов конференцияларида шу вақт мобайнида қилинган ишлар, камчиликлар ва муаммолар иложи борича чуқурроқ таҳлил этилиши, ташкилотнинг эндиги вазифалари, режалари тўғрисидаги фикр ва таклифлар ҳам имкон даражасида кўпроқ бўлиши лозим эди. Комсомол анжуманларидан кейин «сўзламоқчи эдим...» дегувчи ёшлар ҳам кўп бўлди. Демак, талай фикр ва таклифлар айтилмай қолиб кетди. Агар «темирни қизиғида бос», деган нақлдан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, ўз вақтида айтилмаган гап кейин барибир кучини йўқотади.

Ҳозирча биз ярим демократия, ярим ошкоралик ҳудудида ишлаяпмиз ва очиғини айтганда амалга ошираётган ишларимиз ҳам шунга монанд. Жумҳуриятимиз комсомол-ёшлари ўтган 1989 йилнинг иккинчи ярми ва янги 1990 йилнинг дастлаби ойи мобайнида жуда катта синовдан ўтдилар. Ўзбекистонда бу галги комсомол ҳисобот-сайлов конференциялари ниҳоясига етди. Кўпгина комсомол ташкилотларида фаоллар, етакчилар алмашди. Бу янгича фикр, янги куч дегани.

Аммо яна бир муҳим нарса бизни ташвишлантиради: янги сайланган фаоллар комсомолга ўз мавқеини қайтара олармикин? Шунча гап-сўзлар, баҳс-мунозаралардан кейин комсомол ҳаётида сезиларли ўзгаришлар бўлармикан? Ёшларнинг йиллар давомида тўпланиб келаётган муаммоларига ечим топилармикан?

Мактуб-мақолаларни Ҳайдар АКБАР шарҳлади.

* * *

КОМСОМОЛ ТУРМУШИ БЎЛИМИДАН: Азиз муштарийлар! Бўлимга комсомол ҳисобот-сайлов анжуманлари қандай ўтганлиги, комсомолда қайта қуриш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида кўплаб хатлар, мақолалар келиб турибди. Улардан имкон даражасида фойдаланишга ҳаракат қиламиз, албатта. Ҳозирча **тошкентлик Ф. МУРОДОВА, сирдарёлик И. ЮНУСОВ, М. МАҲМУДОВА, бухоролик Я. ҚИЛИЧЕВА, андижонлик Ж. ТЎРАЕВ, самарқандлик Ғ. БОБОҚУЛОВ, сурхондарёлик Х. ҲАҚҚУЛОВ, қашқадарёлик Э. ЭСИРГАДИЕВ, Э. ЭСОНОВ, хоразмлик Б. ЖУМАНИЁЗОВА, М. СОБИРОВА** ва бошқаларга бизга йўллаган мактублари учун ташаккур изҳор этамиз.

Воқеа арафасида

ЁШ ЭКОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Бу анжуман ҳақида норасмийлар ҳам, жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси ходимлари ҳам, қолаверса, журналистлар ҳам жуда куйиниб гапирган эдилар. Экологик конференция очилиш арафасида турибди.

Кунини ҳозирча аниқ айтолмаймиз. Аммо унда кўтариладиган муаммо, баҳслар маълум.

Конференция ишида Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларининг жамоатчилик асосидаги экологик бирлашмалари, экологик муаммолар устида ишлаётган ЁФТИ марказлари иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, таклиф қилинганлар орасида олимлар, жумҳурият табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ходимлари, экологик ҳаракат вакиллари, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ёшлар матбуоти журналистлари иштирок этади.


Конференция Ўзбекистон ёшларининг экологик ҳаракати учун таъсис анжуманига айланадими? Ёки унинг қатнашчилари янги ташкилотнинг кераги йўқ, деб ҳисоблайдиларми? Буниси ҳозирча номаълум.

Аммо бизнинг газета ўз ўқувчиларини конференция ишининг бориши ҳақида батафсил ҳисобот ёритилишига кафолат бера олади. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки жумҳурият ёшлар газеталари конференцияни ўтказиш ташаббускорлари қаторига киради.

Конференция ҳақидаги керакли ахборотни олишни истовчилар учун ташкилий қўмитанинг Тошкентдаги телефонларини маълум қиламиз: 39-17-13, 39-42-31. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси экологик конференция штаби.

Ташкилий қўмита.

Бепоён менинг Ватаним



Яна бир неча кундан сўнг «Мир» орбитал комплексига навбатдаги коинот кемаси парвоз қилади. Бу учишга иккита экипаж ҳозирлик кўрмоқда. Шулардан бирига СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник А. Я. Соловьев командирлик қилади. Борт инженери А. Н. Баландин. Иккинчи «иккиликка» подполковник Г. М. Манаков бошчилик қилади. Борт-инженерлик вазифаси СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. М. Стрекаловга юклатилган.

СУРАТДА: (чапда) «Союз — ТМ-9» коинот кемаси экипажи А. Я. Соловьев ва А. Н. Баландин.

* * *



Қабул қилинган қоидага кўра, учиш олдидан космонавтлар В. И. Лениннинг Кремлдаги уй-музейига ташриф буюрадилар. Қизил майдонда бўладилар. Ўнгдаги суратда А. Н. Баландин, А. Я. Соловьевлар оила аъзолари билан доҳийнинг уй-музейида. Уй-музей директори А. А. Шефов уларга Владимир Ильичнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда.

* * *



Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказида австриялик космонавтликка номзодлар Клеменс Лоталлер ҳамда Франц Фибеклар тайёргарлик машғулотларини бошлаб юбордилар. «Союз» Совет-Австрия космик кемасининг парвози 1991 йилга мўлжалланган.

Номзодлар машғулот пайтида.

А. ПУШКАРЕВ олган суратлар.

(ТАСС).

Алишер **НАВОИЙ** таваллудининг 549 йиллиги олдидан

РОЗ

Улуғ бобо!

Мана, узлатга кетганингизга салкам беш аср бўлибди... Олтмиш йиллик умрингиз давомида ўз она халқингизнинг бирлиги, бахти, маданияти, маънавияти, адабиёти ва тили ривожи учун қандай улкан ишларни амалга оширгансиз! Аммо беш асрдан буён тинч «уйқуда»сиз: халқингиз бошидан қандай турфа воқеалар кечганини билмайсиз... Бугун Сизга рамзий нома ёзиб халқингизнинг ўтмиши ва ҳозирги аҳволоти ҳақида қисқача хабар беришга жазм этдим.

Хабарлар андуҳли. Дилидаги андуҳ ва ғам халқни Сиз каби ўтган улуғ боболари руҳига роз очтирар экан. Ўзингиз ёзган эдингиз:

Кўнгулга футур ўлмайин роз
очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар
сочилмас.

Бугун менинг ҳам Сиз каби «Кўзум намлиқ, бўюм хамлиқ, ичим андуҳу мотамлиқ».

Сизга ёзаётган бу хабарларни кўз шоҳидлигида эмас, тафаккур орқали туздим. Тарихнинг саҳифалари ўчмас экан, ҳар қандай тирик жон уни ўқиб, мушоҳада қилиши мумкин экан. Мен йигирманчи асрнинг охирида яшаб турган авлодларингизнинг вакилиман. 40 йилдан ортиқроқ кечган ҳаётимда Сиз билан жуда кўп хаёлий мулоқотга киришаман. Аммо инсоф, диёнат, ҳақиқат, эътиқод қайта тикланаётганидан руҳланиб Сизга эндигина очиқ фикрли дастлабки номани ёзаётирман.

Улуғ бобо! Мен Сизни биринчи бор дадамнинг эски кийимларини ниҳол қоматимга илиб, мактабга борганимда — 7 ёшимда кўрдим: мактаб зали деворида салла ўраб, бизга — ёш авлодларингизга самимий разм ташлаб турган суратингиз Ленин бобо ёнига қўйилган экан. Мактаб билан таништираётган Луиза опамиз расмингизга ишора қилиб, «ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий» деганда, «шоир» сўзининг маъносини тушунганим, аммо «мутафаккир» сўзига тушунмай, ҳайрон бўлганим эсимда. Кейин билсам, мутафаккирлик энг гўзал инсоний хислатлар ҳақидаги ягона ва тўғри фалсафий мушоҳадалар экан, шеър — мутафаккирлик ғояларини сочувчи санъатнинг бир тури бўлиб, уни халқ ардоқлар экан.

Азиз бобо! Асарларингиз ва вазирлик фаолиятингиз орқали Хуросон ва Моварауннаҳр ҳудудида марказлашган, адолатли давлат барпо этиб, илм-фан, маориф-маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган эдингиз, барча туркий қавмларни «яккалам» қилиш билан бирга, бошқа миллат ва элатларни ҳурматлаш ва улар билан баҳамжиҳат яшашнинг улуғ ғояларини мукаммаллаштирган эдингиз:

Олам аҳли, билингизким, иш
эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизғаким,
эрур ёрлиғ иш, —

деган доно фикр — Сизники.

Вафотингиздан сўнг Сиз тузган давлатнинг ва адолатнинг инқирози бошланиб кетди. Кейинги ҳукмдорлар улуғ инсоний ғояларингизга амал қилмадилар, илм-фан, маданият ва инсоний маънавият асосларидан йироқлашиб, жаҳолатга юз тутдилар. Шоҳу бекларнинг жаҳолати — ғоясизлик, калтабинлик, эътиқодсизлик, маишатпарастликнинг натижаси ўлароқ юзага келди. Орзу-умидларингиз дарахти сўла бошлади, халқ хонавайрон бўлди.

Марказлашган давлат учун, адолат учун, Шайбоний бошлиқ босқинчиларни она-юртдан ҳайдаш учун курашган уруғдошингиз Заҳриддин Бобурнинг ҳаракатлари ўз юртида фожиали бўлди. Бобур кучли душман олдида юртдош ҳукмдорларнинг мададига маҳтал бўлиб турди, аммо бу мадад бўлмади. Оқибатда, Бобур Ҳиндистон «сори юзланиш»га мажбур бўлди, ўзга юртда шундай давлат юзага келтирдики, бу тарих бизда ҳавас уйғотади.

Бобурдан сўнг юртимизда уч ярим аср феодал тарқоқлик, инқироз ҳукм сурди. Айниқса, икки дарё оралиғидаги уч хонлик — Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари бир-бирлари билан доимо «суяк талашди». Инқироз — инқироз экан: Сизнинг даврингизда кўз очган чечаклар сўла бошлади.

Ўтган асрнинг охирида халқингиз чор Россиясининг мажбурий тасарруфига ўтди, юртимизда заводчилар ва савдогарлар ҳокимияти шакллана бошлади. XX асрнинг 17-йили халқ инқилоби бўлиб, В. И. Ленин деган улуғ зот йўқсиллар ҳокимиятини тузди, аммо, афсуски, халқ раҳбарининг ўзи узоқ яшамади. Шундан кейин Сталин деган зулмкорнинг миллатлар ҳуқуқларини топтовчи зўрлик ҳокимияти бошланиб кетди...

Ўзбеклар яшайдиган юрт «Ўзбекистон» деб аталса-да, унинг ҳеч қандай миллий мустақиллиги, тарихи, ёзуви, дили ва тили тан олинмади. «Жумҳуриятлар иттифоқи» номини олган мамлакатнинг Сталиндан сўнгги ҳукмдорлари ҳам миллий ўзгаликни ҳурматламайдиган сиёсат юргиздилар.

Мана, беш йил бўлдики, Ватанимизнинг олий тахтига Горбачёв деган одил, диёнатли ҳукмдор келиб, қайта қуриш, халқчиллик, адолат, ошкоралик шаклланаётган улуғ давр бошланди. Инсоният оламидаги энг катта ўзгаришлар ҳақидаги баъзи хабарларни ҳам илова қилмоқчиман. Темирга жон кирди. Инсоният ер заминидан, тоғлардан қазиб олаётган кимёвий моддалардан ёнувчи, овоз чиқарувчи, гапирувчи, ҳаракатланувчи, учувчи жисмларни яратди.

«Фарҳод ва Ширин» достонингизда Сиз хаёлан тасвирлаган оинаи жаҳон ҳам воқеиликка айланди. Хаёлий орзу — моддий мавжудликка айланди. Бу мўъжизанинг Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда ихтиро қилингани ва ҳозир бутун дунёга тарқалганини айтсам, қувонарсиз?! Аммо бу мўъжиза тасвирида инсон гўзаллигидан ташқари, дунё қабоҳати ҳам тез-тез намоён бўлиб турганини айтсам, ранжийсиз. Ойнаи жаҳон хабарларига қараганда, афсус, Ҳиротдаги Сиз «уйқу»да ётган мақбара атрофида бугун ҳам қон тўкилиши давом этмоқда: оддий халқ билан душманлар ўртасида уруш бормоқда.

Кимёвий моддалардан ясалган шундай қуроллар борки, инсоният разолатга келса, бу қуролларнинг ҳар бири миллион-миллион одамларга қирон келтиради. Аммо, ҳайриятки, инсон инсонлигича қолмоқда, қирғин қуроллари ишга солингани йўқ. Ишқилиб, разолат ғолиб келмасин!

Бобо! Энди авлодларингизнинг ҳозирги аҳволи-ю, ташвишларидан ёзай.

Авлодларингиз — ҳар қандай тарих чиғириқларига бардош бериб, ҳолдан тойган бўлса-да, халқ сифатида, миллат сифатида мавжуд. Халқингиз ҳали ҳам мўмин-қобил, меҳнаткаш, иболи, меҳмондўст, бағри кенг. Кейинги асрларда юртимизга қилич яланғочлаб келувчилар йўқ, аммо яроғи маданий ғилофга ўралганлар бор. Бундай ҳақиқат ҳам қайта қуриш даврида англашилди.

Ўтдин исинирғуча овунч оч,
Куйдиргудек англасанг, кейин
қоч! —

деган ҳикматингизнинг мағзини эндигина чақяпмиз, унга амал қилишни ўйлаяпмиз. Ҳақиқатан ҳам,

Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,
Ва лекин бири туз, бири қанд
эрур, — экан.

Ер — халқники эмас, ҳокимиятники бўлиб келди. Барча ерга пахта экиш мажбурий бўлди. Ҳокимият пахтани пулга сотиб олиб, катта фойдасидан ўзи баҳраманд бўлди. Ер ёппасига пахтазорга айлантирилгани учун пахтакорнинг дастурхони камбағал. «Деҳқон» сўзининг маъноси ўзгариб кетган, у ҳозир фақат «пахта экувчи» маъносини беради. Жумҳуриятимиздаги қўриқ ва бўз ерлар, абадий ўтлоқлар ҳам пахтазорларга айланди, шунинг учун чорвачилик ҳам инқирозга кетган.

Бобо! Биласизки, юртимиз ҳудудида фақат икки дарё оқади. Дарё — сув билан дарё! Пахта сувни аждаҳо каби сўргани сабабли, ҳозир дарёларимиз дарё эмас, каттароқ ариқларга ўхшайди.

Орол денгизи ҳам кўл шаклига келди, бугун уни «денгиз» эмас, «кўл» деб атаган маъқулроқ, чунки сўз маъноси моҳият билан тенг келиши керак.

Табиатга зуғум — инсониятнинг ўзига зуғумдир. Дарёларимизнинг ва Оролнинг қуриши одамларни қуврита бошлади. Устига-устак, пахтазорлар ва пахтакорлар устидан сочилаётган заҳар Инсондан пахта афзаллигини ошкора намойиш қилмоқда. Ўзбек халқи гўдаклар ва болалар ўлими бўйича дунёда биринчи ўринда турибди. Барчамиз ниманки, касалманд, ночор, итоаткор, лоқайд фуқарога айланган эканмиз...

Қайсики юртда ҳақиқатнинг бағри тилиниб, адолат устунлари қулатилса, у юртда ғофиллар баланд мавқеларни эгаллаб олар эканлар. Бир неча йиллар жафокаш меҳнаткашнинг қонини зулук каби сўрганлар давру даврон сурдилар. Бундан ҳам аянчлиси шу бўлдики, ўша бир ҳовуч порахўрлар, ҳаромхўрлар касрига бутун ўзбек халқи қолди.

Асарларингизда халқингизни ўта сабр-бардошли, ювош-мўмин, сахий-саховатли, кечиримли бўлишга чақирган эдингиз, эзгули, инсофли, диёнатли, шафқатли ва байналмилалчи бўлишларини маслаҳат қилган эдингиз. Шу билан бирга, Сиз доимо дўст билан душманни фарқлаш фаросатнинг тамал тоши бўлишни зарурлигини ҳам уқтиргансиз. Халқингиз мана шу ғояларингизни маҳкам ушлаб келди. Аммо «пичоқ суякка етганда», халқнинг сабр косаси тўлганда Адолат сари портлаш юз берар экан. Умумиттифоқ ҳуқуқларини тикланиши бошланган ҳозирги кунларда халқингиз лоқайд турганини йўқ. Ахир, ҳар қандай сабрнинг, ҳар қандай истиҳоланинг чеку чегараси бор!

Бобожон! Яқинда Фарғонада бир тўда ғаламисларнинг дастидан мусибатли ва қонли воқеа юз берди. Қон аралашган воқеани инсоният ҳеч қачон оқламайди, Сиз ҳам оқламайсиз, аммо бунинг сабабчиларини аниқлаш ва қоралаш зарур, қоралашда ҳам адолат керак! Ушбу воқеанинг ҳақиқати халқгача айтилгани йўқ. Лекин шуниси аниқки, қонли тўқнашувнинг айбдори ҳеч қачон халқ бўлмайди!

Фарғона воқеаси тарихий сабоқларни янгилади. Бир замондошимиз тўғри ифодалаганидек, «Фарғона воқеаси дунёдаги энг меҳнаткаш, энг меҳмондўст ва энг мўмин-қобил халқ бўлмиш ўзбек халқи ўз қадр -қиммати топталса, оёққа қалқишини бошқаларга эслатди, уларни сергаклантирди».

Улуғ бобо! Хуллас, кейинги асрларда иқтисодий фалажлик ўзбек халқининг маънавий фалажлигини юзага келтирди. Жумҳуриятимизнинг иқтисодий вассаллиги халқнинг маънавий вассаллигига айланди. Жоҳил ва бефаросат раҳбарлар даврида номимиз билан бирга дилимиз, тилимиз, динимиз ҳам тортиб олина бошланди.

ХУ асрда Сиз ранг-баранг туркий уруғ ва қабилаларни бирлаштириб, ўзбекни катта халқ шаклига келтирган эдингиз. Халқни ғоя бирлаштиради, шу ғоя Сизники эди. Халқ бўлиб уюшишнинг энг муҳим белгиси — тилдир, бу тил ҳам Сизники эди. Дўстингиз Ҳусайн Бойқаро фармони орқали ўзбек тилини давлат тилига, эътибор тилга, ижод тилига айлантирган эдингиз.

Одами эрсанг, демагил одамий
Анинки, йўқ халқ ғамидин
ғами, —

деб, Сиз доимо халқ ғами билан яшагансиз.

Афсуски, кейинги даврларда асрлар оша шаклланиб катта миллатга айланган, ўз илм-фани, маданияти ва маънавияти билан оламни титратган ўзбекнинг миллий ҳуқуқлари тан олинмай келинди. Сиёсатдонлар ҳатто 1929 йили Сиз ижод этган ёзувни ҳам халқдан тортиб олдилар. Ёзув ва тил — тарих кўзгуси. Тарихдан баҳраманд халқ — кучли халқ. Ўз тарихидан узилган халқ—сунъий халқ. Сунъий халқни итоаткор қилиш осон бўлади, ҳа, буни сиёсатдонлар яхши фаҳмлаган эдилар.

Ўзбеклар совет даврида ўз тарихидан ҳам узилган, келажак уфқи ҳам номаълум миллат халққа айланди. Муаллақ қолишдан онгсизлик, лоқайдлик, ғурурсизлик келиб чиқади, оммавий манқуртлик юз берди. Шундай бўлди ҳам, маккор Сталин кўзлаган ният амалга ошди.

Нафъинг агар халққа
бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга
кўпракдурур, —

деб жуда тўғри айтган экансиз.

Азиз бобо! Халқимизнинг дастлабки оммавий кураши она тили борасида бўлди. Она тилимизни Ўзбекистоннинг асосий тилига айлантирдик, ўз юртимизда ўз она тилимизда бемалол нутқ сўзлаш ва хома чекиш ҳуқуқига эга бўлдик. Аммо бу натижага осонлик билан эришмадик. Меҳмон бўлиб келиб, ўзларини юртимизнинг хўжайинлари фаҳмлаётган кимсаларнинг бунга қаршилиги табиий бир ҳодиса бўлди-ю, лекин ўз халқимиз ичидан чиққан, мартаба курсисига эришиб, халқ «нонини туя қилиб юрган» баъзи шахсларнинг сурбетлиги, иккиюзламачилиги ҳаммасидан ошиб тушди.

Икки юзлик бўлмакним, бу
боғнинг раъно гули,
Гар қизарур бир юзи, лек яна
бир сарғарур, —

деган ҳикматингизнинг улар билмадилар, чоғи. Бундай амалдорларга Сизнинг яна бир доно ақидангизни эслатмоқчиман: «Эски чопон била форис ғуфроғда ўлтурмоқ яхшироқким, зарбафт хафтон кийиб биров оллида турмоқ».

Тил — халқнинг ҳар жиҳатдан ривожи учун асосий калитдир. Барча миллий ўсиш тил орқали амалга ошади. Бундай ҳақиқатни ҳозирги баъзи раҳбар ва зиёли авлодларингиз тушунмадилар ёки тушунишни истамадилар. Ўша «баъзилар» ўзларининг ҳам халқ тили орқали балоғат сари боришларини англамадилар.

Ҳаммага керакли «калит» ҳақида Сиз шундай деган эдингиз:

Неча ганч ичра бўлса гавҳару
дур,
Кўрки, бордур анинг калиди
темур.
Қулф очарда гадою, соҳиби тож,
Тенг бўлурлар калидга муҳтож.

Аммо «ўсиш калити»ни тўғри тушунадиган соғлом фикрли авлодларингиз кўп экан. Халқнинг тили ва дили эзилса, юрт бағридан қон силқиллайди, тил ва тарих камситилса, Ватан ўз истиқболида хатар сезади. Қайта қуришнинг илиқ шабадаси илғор оломонни оёққа турғазди. Доно ва билоғон ўғил-қизларнинг сафи кенг эканлиги, ҳали юртимизнинг толеи бутун эканлиги намоён бўлди.

Тил қонунини ана шундай қийинчиликлар билан қўлга киритдик. У ҳали кўнгилдагидек Қонун бўлмаса-да, миллий ривожланишга улкан ҳисса қўшади. Масалан, Қонуннинг эски ўзбек ёзувини тиклаш ҳақидаги моддаси миллатимизнинг қайта ривожида улкан из қолдиражак. Барчамиз бу ёзувни ўргансак, Сизнинг даҳо асарларингиз «мағзи»ни чақамиз, маънавий ва маданий баркамолликка эришувга дарча топамиз. Чунки «олам ташвишларининг Сиз чекмаган дарду балоси қолмаган», гўзал инсоний хислатлар ичидан Сиз «узмаган чечаклар» қолмаган.

Тарих — қандай адолатли! Қандай улуғвор! Сиз каби даҳоларни чуқурроқ билиш қандай завқли! Тарих — барча сохтакорликлардан устун ҳақиқатсеварлар дунёсидир. Тарих — ҳақиқат чироғи.

Энди асарларингизнинг нашри, ўқилиши ва уларни ҳозирги ўзбек халқининг тушуниш даражаси ҳақида. Деярли барча асарларингиз нашр қилинган, лекин қайчи тегмагани кам. Китобларингиз барча ўзбек хонадонида бор. Бошқа тилларга ҳам таржималар қилинган: жаҳоннинг кўпгина халқларига танишсиз.

Аммо ўзимиз — яъни ўз авлодларингиз асарларингизнинг бутун сеҳрини, барча ғояларини тушуна олмаймиз. Чунки, биринчидан, янги имло табиий Навоийни тўла акс эттириб бера олмайди, иккинчидан, тарих узиб қўйилганидан, тилимиз катта ўзгаришга учраган, сунъийлашган.

Адабий анъаналарингизнинг ҳозирги давоми соҳасида мақтана олмаймиз. «Шеър» деган сеҳрли санъатнинг энг гўзал шакли — ғазал адабиётимиз саҳнасидан чекинмоқда. Сабабки, ғазалга бой сўз хазинаси ва юксак маънавий руҳ керак. Афсуски, Сиз яратган бой тил ва бадиий анъаналар, турфа замонлар тақозоси билан, зил кетган. Марказлашган давлат бўлмаса, мустақил миллат бўлмаса, бой тил ва адабиёт нима қилсин!

Сизнинг руҳингизни сақлаб қолишга XVI—XIX асрлар ижодкорлари, маърифатчилар қанча уринмасин, бунинг уддасидан чиқа олмадилар.

Мактабларимизда Сизнинг ҳаётингиз ва ижодингиз ахборот тариқасида ўрганилади. Дарсликда самимий боқиб турган расмингиздан сўнг матни ўта бузиб берилган бир-иккита шеърингиз, «Фарҳод ва Ширин» достонингизнинг ҳозирги тилдаги сунъий шарҳи жойлашган. Шунга ҳам шукр, чунки XX аср бошида Бартольд, Бертельс, Малов, Самойлович, Юдахин, Боровков каби рус ва бошқа ғарб олимлари туфайли Сизни бутун дунё таниб қолган, йўқса, ўзбек адабиёти тарихи саҳифаларидан Сизни ҳам Аҳмад Яссавий, Заҳириддин Бобур, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби ўчиришга ҳаракат қилинган ва дарасликларга ҳам киритилмаган бўлар эдингиз...

Бундан ўксиманг, улуғ бобо! Ҳозирги тафаккур оламига шу нарса маълумки, улкан «Хамса»нгиз хамсачиликдаги охирги урғули нуқта бўлган экан. Туркий тилда яратган бу мукаммал бешлигингиздан сўнг ҳеч қайси адабиётда «Хамса» яратишга ботина олмадилар. Ҳамон «Чор девон»ингизга тенг келувчи «ақл-заковат девони» йўқ!

«Лисонут тайр»ингизда ернинг айлана эканлиги ҳақидаги, бахтни яқин атрофдан — ҳаётнинг ўзидан қидириш лозимлиги тўғрисидаги фалсафий ақидаларингиз исботланди.

«Маҳбубул қулуб»ингиз ҳозиргача доноликнинг, донишмандликнинг «олтин сандиғи» бўлиб келмоқда, «Мезонул авзон»ингиз адабиётшуносларнинг, «Муҳокаматул луғатайн»ингиз тилшуносларнинг, «Тарихи мулуки Ажам»ингиз тарихчиларнинг ақлини лол қолдириб келмоқда.

Бой бадиий меросингиз ўзбек халқи ва унинг илғор зиёлилари томонидан ўқилмоқда ва тадқиқ этилмоқда. Шуниси қизиқки, кимки ижодингиз тадқиқига мурожаат этса, унга Сизнинг олижаноб руҳингиз уриб қолади, булар сунъий шон-шуҳратдан юз ўгириб, халққа хизмат қилишга бел боғлайди. Масалан, гўзал ижодингиз ва бой тилингиз мафтуни Алибек Рустамов Ўзбекистон Фанлар академиясидаги шуҳратли лавозимга интилмади, бутун диққат-эътиборини, вақтини халқнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга бағишлади...

Эътиқодсизлик — ҳамма балоларнинг асоси экан. Ўзбек оиласида туғилган ўзбекнинг ўзбек тилини билмаслиги ҳам эътиқодсизликнинг бир амалий кўринишидир.

Хуллас, миллий эътиқоднинг заифлигидан юртимизда инсоф чекинди — порахўрлик кўпайди, меҳр-шафқат чекинди — қабиҳлик кўпайди, зиё чекинди — нодонлик ривож топди, диёнат чекинди — инсофсизлик авжга минди, шарм-ибо чекинди — ҳаёсизлик кучайди, ҳалоллик чекинди — ўғирлик кўпайди, адолат чекинди — разолат қулоч ёйди, ҳақиқат чекинди — ноҳақлик авжга чиқди...

Бобо! Миллий эътиқодсизлик натижасида ўз халқининг тарихини сохталаштирувчи набираларингиз ҳам чиқиб қолди. Улуғ шоир, адолатли ҳукмдор, марказлашган давлат тарафдори Заҳириддин Бобурни фақат қонхўр қилиб тасвирлаётганларга, Аҳмад Яссавий ва Сиз каби шеърият султонларини «диндор ва фақат дин тарғиботчиси» дегувчиларга чидаш мумкиндир, аммо Сиздек улуғ ўзбекни мўғул деб даъво қилаётган тарихчи олим набираларингизга нима дейиш мумкин?!

Ёзаверай десам, гап кўп, дард кўп. Мактубимда мунгли хабарлар кўп-у, ифтихорланувчи, қувончли хабарлар камлигини сездингиз. Лекин халқингиз қайта қуриш йўлига тушди; барча соҳада иншооллo, энди катта ижобий ўзгаришлар бўлғусидир. Сизнинг 600 йиллик тўйингиз муносабати билан ёзилажак мушоатда қувончли зафарномалар битсак, ажаб эмас!

Муҳаммаджон ҚОДИРОВ,
ТошДУ доценти.

Хорижадан хабарлар

АРГЕНТИНАДА ИШСИЗЛИК

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС). Меҳнатга яроқли аргентиналикларнинг деярли ундан бир қисми мутлақо ёки қисман ишсиздир. Аргентина статистика ва аҳолини рўйхатга олиш миллий институтининг бу ерда эълон қилинган маълумотларига кўра, 12 миллиондан ортиқ иқтисодий фаол аҳолининг қарийб бир миллиони мутлақо ишсиз, аргентиналикларнинг уч ярим миллиони эса тасодифан ишлаб топилган пулга кун кўрмоқда.

Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, бундай вазият аргентиналиклар учун мисли кўрилмаган молиявий-иқтисодий тангликнинг натижасидир. Ҳукумат яқинда фавқулодда декрет тайёрланишини эълон қилди. Мазкур декрет ёрдамида иш билан таъминлаш соҳасидаги аҳволни тубдан яхшилаш кўзда тутилмоқда. Янги қонун миллий меҳнат фондини яратишни, корхона эгалари меҳнат битимларига риоя қилиши устидан назоратни кучайтиришни ва ишга ёллаш системасини такомиллаштиришни кўзда тутади.

СУНЪИЙ ЎПКА

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). ЮТА штатидаги Солт-лейк-сити касалхоналаридан бирининг шифокорлари инсон организмига ўпка фаолиятини бажарувчи сунъий асбобни ўрнатдилар. Шифокорлар қон томир оксигенатори деб атаган соч толасидек ингичка найчаларнинг митти тўқимаси икки соатли операция чоғида ўпкаси хаста 16 ёшли қизга ўрнатилди. Бу асбоб ўпканинг ўрнини бутунлай босмайди, балки вақтинча — бемор соғайгунига қадар қонга кислород етказиб бериш ва уни юракка узатиб туришдек муҳим вазифани бажаради.

РЕЖАДА—ДЕНГИЗ АЭРОПОРТИ

ПАНАМА. ТАСС мухбири Александр Чернов хабар қилади. Яқин орада Панама жумҳурияти пойтахти ноҳиясида Панама кўрфазида узунлиги қарийб икки километр ва кенглиги 150 метрли янги орол пайдо бўлиши мумкин. Бутун дунёдаги 20 дан ортиқ компания бу ерда денгиз аэропортини барпо этишдан манфаатдор эканини билдирди. Улар эътиборига тақдим этилган лойиҳанинг қиймати 63 миллион доллар бўлиб, денгиз сатҳидан 8 метр баланд бўладиган кўтарма дамбани қуришни кўзда тутади. Бу дамба ҳатто оғир транспорт самолётлари учун ҳам учиш полосаси бўлиб хизмат қилади.

Панама пойтахтининг муниципалитети қўшимча равишда 20 минг ишчи ўрнини яратадиган мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаб, пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган эски «Паитилья» аэропорти территориясини қурилиш учун бўшатиш имконини беради. Шаҳар маъмурлари томонидан сариқ чақа ҳам ҳисса қўшилмаслиги уларнинг алоҳида диққатини жалб этмоқда. Чунки ана шу дадил инженерлик ғоясини амалга ошириш ҳуқуқи учун курашга киришган компаниялар қурилишнинг барча харажатларини ўз зиммасига олади.

ЯШИРИН ҚУРОЛ ФАБРИКАСИ

ҚОҲИРА. (ТАСС) Миср полицияси Қоҳира ноҳияларидан бирида қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи чинакам яширин фабрикани фош этган, деб хабар беради «Ал-аҳром» газетаси. Тинтув чоғида у ерда тайёрланган бир неча ўнта ўқ отиш қуроли ҳам топилган. Яширин фабрика маҳсулоти Қоҳирадагина эмас, мамлакатнинг кўпгина вилоятларида ҳам жиноятчи унсурларга сотилиб турган.

ГФР ЖАНУБИДА —БЎРОН

БОНН. (ТАСС). ГФР жанубида ҳукм сурган бўрон оқибатида бир киши ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар жароҳатланган, неча миллион марка моддий зарар етган. Бўрон Саар, Гессен, Рейнланд-Пфальц ва Бавария ўлкаларини қамраб олган.

Баварияда автомашина устига қулаган дарахт такси ҳайдовчисини ҳалок этган. Франкфурт-Майнда шамол жамоат маросими ўтказилаётган спорт залининг томини учириб кетган. Бир неча киши жабрланган. Саар ўлкасининг асосий шаҳри Саарбрюкенда бўрон кўргазма залининг томини шаҳарнинг марказий транспорт кўчасига улоқтириб, бир неча соат мобайнида кўча ҳаракатини тўхтатиб қўйган.

Бўрон ўтган ўлкаларда ўт ўчирувчи командалар ва қутқариш бўлинмалари тун бўйи кўчаларни қулаган дарахтлар ва электр устунларидан тозалаган.



Болгария билан АҚШ ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ бу шартнома тезда кучга кирди. Келишувга мувофиқ икки давлат мактаб ўқувчилари группалар билан ўзаро алмашиши кўзда тутилганди. Шартномага асосан яқинда ёш америкаликлар Болгарияга саёҳат қилдилар. Бунгача эса болгариялик мактаб ўқувчилари ҳам Америкада бўлиб қайтгандилар. Америка вакиллари Болгария мактабларида бўлишди, дўстлар орттиришди, тасаввурларини кенгайтиришди. Уларнинг қизиқувлари электроника соҳасида мос келиб қолди.

СУРАТДА: дўстлар эсдалик учун суратга тушишмоқда.

БТА—ТАСС сурати.

НОЁБ ҚОБИЛИЯТ СОҲИБИ

БУДАПЕШТ. ТАСС мухбири Сергей Иванов хабар қилади: Венгриядаги Сентеринц деган жойда истиқомат қилувчи 70 яшар Эржебет Киш Татар венгер билимдон коллекциячиларининг айтишича, дунёда халқ қўшиқларининг энг бой коллекциясига эгадир. Афтидан, ноёб мусиқий хотирага эга бўлган бу аёл халқ қўшиқларидан 1326 тасини билади. Мазкур фактни исботлаш учун Эржебет хола ниҳоятда замонавий усулни қўллади: хушовоз Эржебет ўзига маълум барча қўшиқларни куйлаб магнитофон лентасига ёзиб олди.

«Бу ерда таъкидлашганидек, «Эржебет холанинг ноёб қобилияти» дунёда ягона бўлиб, у махсус адабиётлардан маълум бўлган ана шундай ҳодисадан қарийб икки баравар кўп қўшиқ билади. Венгер композитори, музикашунос ва халқ қўшиқлари шинавандаси Ференц Варнаи Эржебет холанинг шов-шувга сабаб бўлган коллекциясини кашф этди. Айнан у Эржебет холанинг ноёб халқ қўшиқлари магнитофон коллекциясини тузишга кўмаклашди. Бу коллекция ҳозирги кунда 32та магнитофон кассетасини ташкил этади.

Бироқ, яқинда у Эржебет хола ўзининг «мусиқа жавонини» тўлдириш ниятида эканлигини маълум қилди. Чунки ҳозирга қадар у куйлаган қўшиқлар Дунайорти жанубий ўлкаси аҳолисининг халқ ижодиётига мансуб бўлиб, бу ерларда у ўзининг етуклик даврини ўтказган. Энди эса Эржебет хола ўз болалиги ва ёшлиги ўтган жанубий Альфельд қўшиқларини эсга олишни мўлжалламоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ГАПИРУВЧИ КАЛЬКУЛЯТОР

◆ АМЕРИКАНИНГ 1400 та электрон компанияси ўзининг янги маҳсулотларини кўргазмага, очиқроғи шу йилнинг ёзида сотувга чиқармоқчи. Улар орасида электрон-энциклопедик «нашр» — «Рэнд Хаус» ҳам бор бўлиб, унинг «хотираси»да 20 минг манба ва 1,5 миллион сўз бойлиги бор. Ҳажми одатдаги калькулятордек.

Қизиғи шундаки, бу «таржимон» инглизча сўзнинг испанча, французча ёки хитойча маъносини акс эттирибгина қолмасдан, ҳатто сўзни тўғри талаффуз қилишни ҳам ўргатади.

Электрон компаниялар яна антиқа телефон ва шахмат тахтасини ҳам сотувга чиқаришни режалаштиришганлар. Телефоннинг афзаллиги шундаки, қўнғироқ узатилган пайтда магнитофон ёки радио куйлаётган бўлса, уларни автоматик тарзда ўчиради ёки овозини пасайтириб қўяди. Шахмат тахтаси рақиблардан бири тузоққа илинтирмоқ учун «бемаъни» юриш қилса, унинг бутун ўй-фикрларини ошкор этади.

РЕКОРД НАШР

✦ ДУНЁда энг улкан нашр — Британия парламентининг ҳужжатлар тўпламидир. У 1112 томдан иборат бўлиб, 1800 йилдан 1900 йилгача, яъни парламентнинг бир асрлик фаолиятини қамраб олади.

Тўплам 500 нусхада Ирландия дорилфунунида нашр қилинган. 1112 та томнинг умумий оғирлиги 3 тонна-ю, 640 килограмм.

«Орбита» (Булғория) ҳафталигида ёзишларича, ҳужжатлар тўпламини 6 йилда бошидан охиригача ўқиб чиқиш мумкин экан, шунда ҳам ҳар куни 10 соат вақтини китоб ўқишга сарфласа.

12000 ЛИТРЛИ ҚОЗОНДА...

✦ ФРАНЦИЯнинг Туркхейм шаҳрилик (Мюлуз департаменти) бир ошпаз ўзига хос рекорд ўрнатди. Унинг ғаройиб иши шундан иборатки, у 12000 литрлик қозонда уч тонна карам дўлмани жуда мазали қилиб пиширди. Тайёрланган овқат олти ярим минг кишига етди, деб таъкидланади Франс Пресс агентлигининг хабарида.

55 КУНЛИК МАРАФОН

✦ БРАЗИЛИЯнинг Минас-Жерайс штатида яшовчи 67 ёшли қария Жоана Ферейра да Силва ўз номини тарихда қолдирмоқ учун, очиқроғи «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритишлари учун одатдан ташқари марафон ташкил этди. Албатта, марафонда ўзидан бошқа ҳеч ким қатнашмади.

Жоана Пара штатининг Белена шаҳридан Бразилия пойтахтигача бўлган 2400 метрлик масофани 55 кун давомида фақат югуриб ишғол этди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хорижадан хабарлар

Диққат, диққат!

Шу сонга хабар



«Ёш ленинчи»нинг азиз муштарийлари! Ҳурматли «зангори экран» мухлислари! Не бахтким, рўзномамиз эртага роппа-роса 65 ёшга тўлади. Лекин у ҳали қирчиллама йигитдек, навқирон. Юрса, оёғидан ўт чақнайди. Кулса, олам қаҳ-қаҳага тўлади. Наъра тортса, ҳатто тоғлар ларзага келади.

Таърифни сал ошириб юборган бўлсак, маъзур тутасиз. Лекин биз рўзномамизнинг ҳамиша шундай бўлишини истаймиз. Шу мақсадда курашамиз, изланамиз.

Сиз азиз муштарийларимиз билан гоҳ сафар чоғида, гоҳ рўзномамиз саҳифаларида, гоҳида XX аср мўъжизаси — ойнаи-жаҳон орқали учрашиб, мулоқотлар қилишимизнинг боиси ҳам шу.

Мана шодиёна муносабати билан Ўзбекистон телевидениеси коллективи, унинг «Ёшлик» студияси ижодкорлари бизга ажойиб тўёна қилишди: эртага, 8 февраль куни жумҳурият телевидениесининг 1-программаси орқали соат 18.05 да «Ёш ленинчи» рўзномачилари, унинг иқтидорли қалам аҳли, жамоатчи мухбирлари, қаҳрамонлари билан муштарийларимиз, телетомошабинлар учрашуви бўлади. Салкам бир соатлик бу кўрсатувда сиз рўзноманинг амалга ошираётган ишлари, ижодкорларнинг мамлакатимизда, жумҳуриятимиздаги у ёки бу воқеликка нисбатан муносабатлари билан танишасиз. Халқимизни, ёшларимизни ўйлантираётган кўплаб саволларга жавоб топасиз.

Бундан ташқари, эркесвар ҳофиз — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов ва ёш хушовоз хонанда, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти нишондори Меҳмонали Собировлар ажойиб қўшиқлар ҳадя этадилар.

Демак, эртага «зангори экран» орқали кўришгунча!





Тўкилмай тур, кўз ёши!

Сукунат. Атрофда ҳеч бир нарса йўқдек. Қоронғу тунда ёлғиз ўзинг қолиб кетгандек. Ана, бир маҳал «шип-шип» қадам товуши эшитилади. Кимдир юриб келмоқда. Кўзлари дока билан боғлаб қўйилган бемор минг уринса-да, уни таний олмайди. Лекин билади. Кимдир?

Келинчак. У ўша куни узоқ йиғлади. Ҳатто операция қилиб қўйилган шиша кўзларидан ҳам ёш чиқиб кетди-ёв. Унинг юрагини ғашладилар. «Ҳомилангни олиб ташлайлик, бўлмаса қийналасан. Туғаётганингда кўзингга оғирлик тушиб, бутунлай кўрмай қолишинг мумкин» — дедилар.

Бундан ортиқ азобинг борми, ҳаёт! Бўлса солгин, солавергин яна. Лекин... ўз фарзандимдан, унинг дийдорини кўрмай қандай воз кечаман? Фарзандим учун мен ўз кўз нуримни аяйманми? Розиман кўрмай қолишга, лекин фарзанд кўраман...»

Шифокор Ойниса Шаропова, Ҳосият Темирова, Ҳадича Маҳмудовалар ҳам она. Келинчак Маҳбубанинг ҳолатини тушунишди. Ихтиёрини ўзига қўйиб беришди.

Ойниса опа невараси — Зулфияни суяркан, ўша келинчак Маҳбубани эслади. «Балки у она бўлгандир. Бирор хабар ҳам келмади. Балки уям ҳозир, мана шу дақиқада менингдек, ўз фарзандини эркалатиб ўтиргандир? Кўзлари-чи? Кўзлари нима бўлди экан-а? Оналик сархушлиги ҳар қандай дардни ҳам енгади-ку».

Ахир унинг ўзи ҳам фарзандлари туғилганда қандай хурсанд бўлганди. Луиза ва Равшан ота-онасининг касбини эъзозлашди. Шифокор бўлишди. Аҳил бу оилада ҳар кеч шифо, бемор ҳақида гап бўлиши шубҳасиз. Бусиз бўлмайди. Нимадир кам бўлиб туюлаверади.

Узун йўлак. Йўлак охирида жарроҳлик хонаси. Ойниса опа бу хонага неча бор кирган-чиққан. Бу мўъжизакор қўллари нечалаб бемор кўзига шифо бахш этган. Нечалаб болалар ғилай кўзлиликдан қутилишган.

Ана, ўзим кўрганим Гулшода Насимова. 6 ёшлик бу қизалоқ операциядан кейин — ғилай кўзлари ўз ҳолига келганлигини кўриб қанчалик қувонган эди. Шифокори Ойниса опанинг меҳрибон кўзларига тикилиб:

— Энди менинг кўзларим ҳам сизникидек чиройли бўлди-а? — деб қайта-қайта сўраган эди.

Жомбойлик Юлдузга ҳам опа ўша қувончни инъом этганди.

Кўзлар. Ҳаётга ташналикни қондирувчи зиё. Яқининг дийдорини кўришликнинг имкони.

Болалар боғчаси. Бу боғча атрофдагилардан жуда фарқ қилади. Бу ерда ғилай кўзли, кўриш қобилияти сусайган болалар тарбияланишади, шифо топишади. Самарқанд шаҳридаги бу 78-боғча Ойниса опанинг таклифи билан 1976 йили Ўзбекистонда биринчи бўлиб ташкил этилган эди. Ўшандан бери опа ҳаётини бу боғча тарбияланувчилари билан боғлади. Ҳар бирининг умидвор кишисига айланди. Бу шифокор орзусининг ушалиши эди. Қишлоқларга борганда ғилай кўзли кичкинтойларни кўрганда Москва, Ленинград шаҳарларидагидек махсус боғчалар ташкил этишни ўйларди. Ўша мақсадига эришди ҳам.

Кўриш қобилияти сусайганлигини болаларда қанча эртароқ сезиб, даволаш бошланса, кейинги касалликларнинг олди олинади. Энг муҳими, кўриш қобилиятини қайтадан тиклаш мумкин. Ахир лоақал ўн боланинг кўриш қобилиятини қайта тикласа — шифокор шунча марта касаллик устидан ғолиб бўлгани эмасми?

Кўз жарроҳлари. Кўз заргарлари. Ҳар бир миллиметр инсоннинг ёруғ дунё билан боғлиқлигини ҳал қилувчи лаҳзалар. Буни ҳис қилмоқ қанчалик қийин.

Қувончлар. Ойниса Шаропова бу сархушликни кўп кечирганми ё кам? Кўп деса — камдек, кам деса — кўпдек. Қай ҳолатда, қайси пайти қувонган бу дил? Балки шифокорлик қасамёдини такрорлаганидадир? Ё тиббиёт фанлари номзоди бўлганидадир? Она бўлиб, фарзандлари дийдорини кўрганидадир? Талабаларга дарс ўтиб, уларнинг нигоҳларида миннатдорчилик туйғуларини ҳис қилганидадир?

Балки янглишгандирман. Лекин мен энг унутилмас қувончни кўргандай бўлдим. Қай ҳолда дейсизми?

Беморнинг — кўзларига зиё қайтиб келган кампирларнинг, ғилай кўзлари шаҳлога айланган қизалоқларнинг, ҳасса таёқсиз юра бошлаган бобоhelp нинг нигоҳларида.

Яна сукунат вужудингизни қамраб олгандек бўлади. Йўлакдан оҳиста қадам товуши эшитилади. Қадам эгасини кўргандек, танигандек бўласиз. 6-палатага, беморларни кўришга кириб кетаётганидан биласиз. У — Ойниса Шаропова. Самарқанд Давлат медицина институти қошидаги 1-клиника кўз касалликлари бўлимининг шифокори.

Уни кўрган чеҳраларда титроқ ила қувонч ифодасини сезасиз. Тўкилмай тур, кўз ёш. Ахир севинч ёши нигоҳингда қотиб қолсин. Ерга сингиб кетмасин тўкилиб. Қувонч бир умрлик бўлсин. Зиё ҳам.

Жарроҳлик хонаси олдида турган аёл — кўнглидан оқлик олиб, эгнига оқ халат кийган шифокор у. Хаёлида биргина сўровга жавоб:

— Менинг кўзларим ҳам энди чиройли бўлади-а?

«Бўлади қизалоқ, бўлади болам».

Бу сўз кўз зиёсини беморга қайтиб олиб бермасада, айтмасак бўлмас:

— Ўзим нур бўламан кўзларингизга.

Г. АЛИБОЕВА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

«Ем» операцияси

(МИРПЎЛАТ САРТАРОШ ҲАНГОМАЛАРИДАН)

Э ука, чойга кел, чойга! Менам уйдаги «российский» молга ўхшайман. Чойни кўчада ичмасам, ичимга тушмайди. Ўша жониворам чорбоғдаги пояни ўриб солсанг емайди. Аммо кўчадан кетмон сопини кўтариб кирсанг ҳам бир зумда ғажиб ташлайди. Энди чорбоғдаги пояни ўриб, кўча эшикдан айлантириб обкеб беряпман, еяпти.

Ука, бир-икки қоп емдан қарашворганингда, сигиримнинг дуосига қолардинг-да. Собиқ «ферма» бўлганимдан буён сигирим ҳам ем еб мириқолмайди.

«Ҳатто заводигаям ўт тушибди, омборчим бориб икки қўлини бурнига тиқиб келди?»

Шу гапга мени ишонди деяпсанми? Майли-майли, аммо Мирпўлат акангнинг илҳомини қитиқлаб қўйдинг. Чўчқалардан қандай қутилганимни айтгандим-а? Хуллас, чўчқалардан кейин ҳам бир ёқлик қилиб қўяқолай, деб тўғри завод директорининг олдига бордим. У билан қудачилик қилиб турардик-да!

— Мирпўлат, бормисан? — дея қучоғини очди. Ҳол-аҳвол сўрашдик, мақсадимни айтдим.

— Сен учун ҳамиша ем бор, — деди директор елкамга қоқиб. — Фақат икки машина эмас, тўрт машина. Иккитаси миянжи, иккитаси келин. Миянжини пуллаб келасан, келинни тушириб олиб кетаверасан.

— Хўп, — дедим. Машиналарни таниш чойхонага бошладим. Самоварчи Аҳмад елка чой келтирди.

— Чой сўраганлар борми? — сўрадим ундан машиналарга имлаб.

— Чойхўр илгариям бўлган, бундан кейин ҳам бўлади, ака. — Аҳмад елка қўлини кўксига қўйди.

У билан савдолаша кетдим:

— Аммо бу аъло навли, бир юз ўн чойидан! — дедим.

— Бир юз ўн чой ичадиган даврлар ўтиб кетган, ака. Ҳозир ҳамма ўттиз олти чой ичяпти.

— Алжима! Ҳеч йўқ тўқсон беш дамлагин!

— Тўқсон беш қон босимини тушириб юборяпти.

— Уфф! Бўпти, «индийскиси» — филнинг расми боридан. Овора бўлма, бошқа пастламайман. Олсанг шу, олмасанг...

— Ака, «индийски» чиқмай қўйдику, ҳамма ёқда аралаш чой!

— Елкаликни каттароқ чўзганга ўхшайди-а, Аҳмад? Бу сафар савдони жуда қаттиқ қилиб юбординг, ё ўзингами?

— Йўқ, ака, Асроржонга, — Аҳмад елка қўшни сўридаги йигитга имлади.

Асроржоннинг ҳовлиси хоннинг саройидек келаркан. Шопирлар биринчи машинадаги емни ичкарига опкириб тушира бошлашди. Камина бу дунёнинг арши-аълосида: ёстиққа ёнбошлаб, чойни шопириб ичиб, пул санамоқда! Саккиз юз йигирмадан, минг олти юз қириқ чангалда. Бел оғриб турганди, қийиққа чирмаб боғладим: оғриқ зумда қолди.

Биринчи машинадаги емни тушириб бўлишди. Иккинчисини ҳовлига ҳайдашди. Негадир машина дарвозахонага бошини тиқиб тақка тўхтади.

— Ҳайда ичкарига! — бақирдим шопирга. Қулоқ солмади. Ғоз юриш қилиб унинг олдига бордим. — Ҳа?

— Ан... ан... ановини қар-ранг!!! — шофёр қўли билан ичкарига имлади. У кўрсатган томонга қараб тахта бўлиб қотиб қолдим: бир хотин мелисалар кийимини олиб чиқиб ихлос билан чангини қоқарди! Елкасидаги юлдузи нақд муштдай келади.

— Ўлдинг Мирпўлат! Худо урди Мирпўлат! — дейман ичимда. Негадир кўзимга гўр кўриниб кетди. Гўрки туйнуги ҳам бор! Яхшироқ қарасам гўр эмас, турманинг зах хонаси! Тер чиқмаган жойим қолмади.

— Ҳайдамайсизми? — Қаердандир Асроржоннинг овози эшитилди. Қарасам ёнимда турибди! Ғойибдан куч пайдо бўлди: машина ўз-ўзидан ичкарига кирди, мен биринчи бўлиб ем туширишга киришиб кетдим. Қўлимда курак, кўзим анавида. Эгаси қачон чиқади? Бир ёқдан белдаги пуллар чимчилайди-ей!.. Ҳойнаҳой улар ҳам номерланган бўлса керак. Емга қўшиб кўмиб юборганим маъқул деб шу тортқилайман қани энди белбоғ ечилса!

Хайрият, мелиса кийим устунга илинганича қолиб кетди. Емни тушириб эсон-омон кўчага чиқиб олдик.

— Ҳайда! — жон ҳолатда бақирдим шопирга.

— Шошманглар! — Асроржон лип этиб олдиндаги машинага чиқиб олди. — Мен ҳам сизлар билан кетай... Жиндай айланма кўчадан юрасизлар, холос.

— Тугадинг, Мирпўлат! — ичимдан қиринди ўтиб кетди. — Айланма кўча дегани милиция, суд, қамоқхона!

Айтганимдай олдиндаги машина «Милиция» деб ёзилган бино олдида тўхтади. «Жиндай шошмай туринглар, мен ҳозир», дейди Асрор. «Кейин уч-тўрттасини бошлаб чиқиб бизни қўлга олади», хаёл қилдим ўзимча.

Аммо... аммо... худога шукр, Абдумуҳаммадасроржон «Раҳмат!» деди-ю, бўлимга кириб кетди. У тушган машина ўрнидан қўзғалди.

Қутулганимизга ишонгим келмасди. Қувса керак, деб кўзим орқада эди. Айтганим бўлди-да! Ортимиздан милиция машинаси чироғини ёқиб ўқдай учиб келарди!

— Борига бос! Билган оралиқ кўчаларингдан ҳайда!

Юк машина юк машина, енгил машина енгил машина экан: милиция машинаси йўлимизга кўндаланг бўлди. Ундан Асрор билан бир йигит сакраб тушди. Қўлларимни кишанлашга шай қилиб турибман...

— Мунча қочдиларинг? — дея кулди Асроржон.

Гапиришга ҳам ҳолим қолмаганди.

— Энди бир бўлди-да, иккинчи бўлмайди, жон ука, — дедим аранг.

— Йўқ сизга ишонамиз, яна бўлади!

— Тавба қилдим, укажонлар. Яна шу йўлга кирсам...

— Нималар деяпсиз? — Асроржон баттар кулди. — Яна икки машина тўғриламасангиз бўлмайди. Бошлиғимизни ҳўкизлари ҳам бир ҳафтадан буён емсиз ётибди экан. Дарагингизни айтгандим, топиб берсин деб бизни атай юборди!

Хуллас чўчқаларга аталган ем ҳўкизларга насиб қилди.

Ким, ким? Муса гаи ҳалиям борми? Мен шопирлар ўлдириб кетган деб юрардим. Ҳалиям постда дегин. Кўз очирмаяпти дейсанми? Очирмайдида! Сенда бор бола-чақа ундаям бор, ҳар замон ўн-ўн беш чўзиб тургин, вассалом. Ёки юзини тескари қилиб қўй. «Қанақа қилиб?» дейсанми? Эшит.

Сенга ўхшаб эрта баҳорда қўйқўзиларни тоққа таширдик. Кузда қишловга колхозга олиб келардик. Кетишда ҳам тўсарди, келишда ҳам. Бир баҳона топиб беш-ўн сўмингни оларди-да!

Бир сафар яна қўй билан йўлга чиқдим. Одатича қорнини қанордай қилиб Муса тўхташга буюрди. Унга ажойиб совға тайёрлаб қўйгандим: бир туп шиғил аччиқ қалампирни томир-помири билан юлиб, атлас қийиқчага тугиб олгандим. Машинадан сакраб тушдим-да, қўлимдаги тугунни Мусага кўрсатиб, тут каллагига илдим.

— Шўрвалик! Қайнатиб ичарсиз! — Сўнг шопирга, — Ҳайда! — дедим.

Эсон-омон қўйларни тоққа етказиб келдик. Боплаб тушликни қилдик. Иккита ҳўкизни колхозга олиб кетишимиз керак эди, уларни юкладик. Қайтишга бошқа йўл йўқ: таваккал деб... қайтсак... Муса гаи йўлни йўлтўсар билан тўсиб олибди! Тўхташимиз билан қўлидаги қалампирни машинага қараб отди. Шопирдан ҳужжатларни талаб қилди. Лекин айб тополмади.

— Нега машинага ҳўкиз юклаб олдинг?! — дея ҳўкизларга ёпиша кетди Муса.

— Ҳўкиз юклаш мумкин эмасми? — шопир ҳам бўш келмади.

— Мумкин!— деди жаҳли ўт олган Муса. — Нега уларнинг ранги ола?!

— Зоти шунақа.

— Нега уларни занжир билан боғламадинг? Арқонни узиб, машинадан сакраб тушиб кетса нима қиласан? Тушир ҳўкизларингни! Занжир топиб келиб, олиб кетасан!

— Ахир, ака...

— Тушир дедимми, туширасан!

Кабинада уларнинг гапларини эшитиб, кулиб ўтиргандим.

— Майли, тушир ҳўкизларни, — дедим шопирга. У ҳўкизларни тушириб бирини йўлтўсарнинг ўнг томонига, иккинчисини чап томонига боғлаб қўйди. — Айтиб қўйяй, — бақирдим Мусага, — булар — колхозники! Гўштга боқилган, тортиб ҳам қўйилган. Мабодо йўқолса ёки ориқлаб кетса, жавобгарлиги сенинг бўйнингда!

Машинага ўтириб жўнаб келавердик. Ўша куниёқ орқамиздан колхозга қўнғироқ қилди: ҳўкизларингни олиб кетинглар!

— Аҳмоғинг йўқ! — дедим ичимда. Парво қилмай юравердим. Ўткинчилар ҳар куни битта янги гап топиб келишади: «Муса гаи ола таёғини белига осволиб, ҳўкизларни суғоряпти! Ҳе-ҳе, мен кепак қориб бераётганини кўрдим».

Бир томонда шопирлар хурсанд: тўссаям тўхтамаяпман. Ҳўкизлардан хавотирланиб бари-бир қуволмайди!

Фермага келсам, ҳовлидаги устунда ҳўкизлар боғлиқ турибди.

— Ҳа, нима гап? — сўрадим қоровулдан.

— Муса акам ташлаб кетди. Мендан тилхат ҳам олволдилар!


Шу-шу мени кўрса юзини тескари бурадиган бўлди! Қалай, энди ўрганиб олгандирсан-а, юзини тескари қилишни?

Саид АНВАР.

ЯНГИ ПЛАСТИНКАЛАР

ТОШКЕНТ грампластинкалар заводида чиқарилган янги пластинкада Ўзбекистон композиторларининг органда ижро этиш учун ёзган музика асарлари тақдим этилди. Тошкент консерваторияси муаллимаси Татьяна Левина ижросида С. Жалилнинг «Шарқ фантазияси» ва Г. Мушелнинг «Самарқанд сюитаси», Ф. Янов-Яновскийнинг «Поэма бадиҳа»си янграйди. Асарларнинг ҳар бири Шарқ оҳангларига, уларнинг бетакрор усуллари ва колоритига мурожаатдек янграйди. Янги пластинкада кенг тингловчилар оммасига Ўзбекистон композиторларининг органда ижро этиш учун ёзган асарлари илк бор тақдим этилди.

(ЎзТАГ).







БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

Свердловск киностудияси суратга олган «Тонг арафасида» фильми асосида бир-бирига боғлиқ бўлмаган уч инсон тақдири ётади. Бу кишилар ўзаро ашаддий душман эканлигига қарамай, тўрт кун бирга ҳаёт кечиришга маҳкум бўладилар. Муқаррар фожиа уларни адоватни унутишга мажбур қилади. Улуғ Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган бу фильмнинг пастановкачи режиссёри Я. Лапшиндир.

СУРАТЛАРДА: «Тонг арафасида» фильмидан лавҳалар.

И. ГОЛОВИН суратлари.

ТИР ҚУРИШДИ

Андижондаги 21-мактаб ўқувчилари ўқ отиш спорти билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлдилар. Бу ерда жисмоний тарбия ўқитувчилари У. Акбаров, П. Яковлев, Ф. Никулин, шунингдек, юқори синф ўқувчиларининг ташаббуси ва куч-ғайрати билан эллик метрли тир қурилди.

Тир қурилгач, мактаб спорт базаси янада бойиди. Мазкур спорт базаси таркибида зал, ёзги ўйин майдончалари, югуриш йўлкаси, енгил атлетика секторлари бор. Болалар бу ердаги саккиз секциядан хоҳлаганларида шуғулланишлари мумкин.

Ҳозир Андижондаги 48 та мактабдан 30 тасида ўқ отиш тирлари бор, яна еттитасида эса улар хўжалик усули билан қурилмоқда.

ТВ

8 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Табиатшунослик. Ўлкамиз табиатининг хилма-хиллиги. 12.00 «Тошкент». Ҳужжатли фильм. 12.30 Ботаника. Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши. 13.00 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.

* * *

17.30 «Иштиёқ». Телефильм. 17.40 «Халқ истеъмоли молларининг сифати учун». Қўқон кўн заводи. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлик кўзгуси». «Ёш ленинчи» газетасининг 65 йиллигига. 19.00 «Деҳқон юмушлари». 19.30 «Ахборот». (рус тилида). 19.50 «Амалий давра суҳбати». 20.30 «Хотира». Абдулла Қодирийга бағишланади. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Оқибатли, диёнатли бўлайлик». Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ҳайъатининг раиси, СССР халқ депутати Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф билан суҳбат. 22.20 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 23.45 Янгиликлар. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Левша» ансамбли ижро этади (Тула). 9.25 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. Премьера. 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 «Коллаж». (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. Ҳужжатли фильмлар: «Шарқий фронт». «Прохоровка яқинидаги майдон». 16.50 «Мусиқий хазина». Г. Свиридов. «Пушкин гулчамбари». Хор учун концерт. 17.40 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Осойишталикни бузувчилар», «Мана шундай яшаяпман». 18.40 «Кекса денгизчининг ҳикоялари». Мультфильм. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.10 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Етти Симеон яшаган экан». Ҳужжатли фильм премьераси (Шарқий Сибирь кинохроника студияси). 23.40 Балет, балет».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси.

9.15, 12.05 «1500-иш». Илмий-оммабоп фильм. 9.45, 10.35 Табиатшунослик. 5-синф. Ильмен қўриқхонаси бўйлаб саёҳат. 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Биология. 8-синф.

* * *

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда». 4-серия. 14.35 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 «Икки заранг». Мультфильм. 18.10 «Юриш сиздан, директор». Чечен-Ингушия АССР Урус-Мартановский озиқ-овқат комбинатининг директори Т. М. Гаургаев ҳақида. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР халқ артисти Л. Сметанников концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Эртак-эртак ўйнаймиз». 1-қисм. 20.45 Волейбол. Кубок эгаларининг кубоги. Эркаклар. «Динамо» (Москва вилояти) — «Мавсиконо» (Италия). 21.30 А. Шнитке. Камер оркестри учун трио-соната. 22.00 МТ хазинасидан. «Фруза». Телевизион бадиий фильм. («Беларусьфильм»). 23.25 Хоккей. СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик».

«ЁШ МУХБИРЛАР» ДОРИЛФУНУНИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Дорилфунуннинг навбатдаги машғулоти шу йил 9 февраль жума куни соат 17.00 да редакция биносида ўтказилади.

«Ёш ленинчи»

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ— 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 500195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
Д — 28126.
Р — 03093.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.